

# Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича

## ШАРТНОМА № 8

2022 йил «04» июл

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят рухий-асаб касалликлар диспансери номидан Низом асосида фаолият юритувчи А.А.Умурзаков (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва «DE-ФАКТО» МЧЖ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор Х.Н.Холмўминов (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини иссиқ овқат билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил «04» июлдан.

2022 йил «04» августгача.

1.3.1. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

### II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.1.8. Камунал хизмат қиймати белгиланган лимит ва давлат тиббийот ташкилотига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланиши.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишини таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши.

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши.

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши.

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан

(кўриқдан) ўтган ходимларга (талаб этилган холларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши.

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши.

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги.

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши.

2.2.13. Томонлар имзоладиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши.

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши.

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган холларда).

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш.

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш.

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши.

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши.

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 145 500 000 (Бир юз қирк беш миллион беш юз минг)сўмва шу жумладан 18 978 260 (Ўн саккиз миллион тўққиз юз етмиш саккиз минг икки юз олти)сўм ҚҚС ни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.2.1. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштирилади.

3.2.2. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.2.3. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

### IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган холларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар

бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир мартаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик конунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси конунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

#### VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

#### VII. Яқунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

#### VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

#### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

##### “Аутсорсер”

“DE-FAKTO” МЧЖ

Манзил: Жиззах шаҳри, Кимёгар маҳалласи 1/7-уй

Тел.: +99891-197-15-45

(х/в ёки ш/х): 2020800000932062001

Банк номи: АТ “Алока банк” Жизз. шах. Филиали

ИНН:305805734

МФО: 00401



Раҳбар:

Х.Н.Холмўминов

##### “Буюртмачи”

Жиззах вилоят руҳий-асаб касалликлар диспансери

Манзил: Жиззах вилояти, Ш.Рашидов тумани, Нурафшон МФЙ

ш/х: 100021860084017073201054014

Ташкилотнинг СТИРИ: 200342448

Ҳазначилик бўлинмаси номи:

ЯҒХ/р: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)


МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИРИ: 201122919

Раҳбар:

А.А.Умураков



**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**Вилоят рухий-асаб касалликлар диспансери**  
**бош врач:**  **А.А.Умурзаков**

Жиззах вилоят рухий касалликлар диспансери озик-овкат ва кишлок хўжалиги махсулотлари учун бюджет маблағлари ҳисобидан товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 17

2022 йил «04» июл

Ш.Рашидов тумани

Жиззах вилоят рухий касалликлар диспансери бош врач: А.А.Умурзаковнинг 2020 йил «01» майдаги № 05ич-сонли бўйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда

Қатнашдилар:

Жиззах вилоят рухий касалликлар диспансери баҳолаш танлов  
КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Эрназаров Х.Р.

Бош врач муовини

Равшанов Б.Х.

Бош ҳисобчи

Избосаров А.

Бош хамшира

Киличбеков У.

Хужалик мудир

Сафарова Ф.

Пархез хамшира

Кун тартиби:

Беморларни Исик овкат билан таминлаш бўйича (ишлар, хизматлар) ни харид қилиш (бажариш) бўйича

Жиззах вилоят рухий касалликлар диспансери томонидан 22-июн 2022 йилда 146000000 сум Лот №22110012109706 рақами билан танлов элон қилинган. Танлов бўйича "РЕАЛ М 777" МЧЖ 145700000 сумга "ДЕ-ФАКТО" МЧЖ 145500000 сумга таклифлар келиб тушган. Харид комиссияси томонидан таклиқлар тулик урганилиб чиқилган ва натижада "ДЕ-ФАКТО" МЧЖнинг аутсорсинг тизимидаги фаолияти, МЧЖдаги ходимларнинг тоифаси, мавжуд техника ва музлаткич ва МЧЖ қошида нон ишлаб чиқариш цехи мавжудлиги ҳисобга олиниб "ДЕ-ФАКТО" МЧЖнинг 145 500 000 сум таклифи макулланган. Танлов натижалари икки иш куни давомида муҳокамада турган ва ҳеч қандай шикоят келиб тушмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб танлов комиссияси қарор қилади:

1. "DE-ФАКТО" МЧЖ" томонидан озик-овкат етказиб бериш бўйича товар(ишлар, хизматлар)ларни етказиб бериш (бажариш) бўйича тақдим этилган таклифи энг маъқул эканлиги ва ҳеч қандай шикоят келиб тушмаганлиги сабабли "DE-ФАКТО" МЧЖ" билан шартнома тузилсин.


Эрназаров Х.Р.

Равшанов Б.Х.

Избосаров А.

Киличбеков У.

Сафарова Ф.



# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 109706 на приобретение аутсорсинг хизмати

Способ проведения электронный

Дата 29.06.2022

Время рассмотрения 29.06.2022 20:39

Конкурсная комиссия Жиззах вилоят рухий касалликлар диспансери, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	UMURZAKOV ABDURAZOQ ABDUG'ANIYEVICH	Бош врач	Жиззах вилоят рухий- асаб касалликлар диспансери
<b>Секретарь комиссии</b>	IZBOSAROV AZIZ AZIMOVICH	Бош хамшира	Жиззах вилоят рухий- асаб касалликлар диспансери
<b>Член комиссии</b>	ERNAZAROV HOJIAKBAR RAYIMBERDIYEVICH	Бош врач уринбосари	Жиззах вилоят рухий- асаб касалликлар диспансери
<b>Член комиссии</b>	SAFAROVA FERUZA NORQULOVNA	Пархез хамшира	Жиззах вилоят рухий- асаб касалликлар диспансери
<b>Член комиссии</b>	RAVSHANOV BEKMURAT XOLBEKOVICH	Бош хисобчи	Жиззах вилоят рухий- асаб касалликлар диспансери
<b>Член комиссии</b>	QILICHBEKOV UTKIR LATIFOVICH	Хужалик мудири	Жиззах вилоят рухий- асаб касалликлар диспансери

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 29.06.2022 года № лота 109706.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по аутсорсингу приготовления еды</b>
Подробное описание	иссик овкат
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	146 000 000.00
Стартовая сумма	146 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг техникалари тугрисида малумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг техникалари тугрисида малумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>DE-FAKTO MCHJ</b>	20	Танлов иштирокчисининг техникалари тугрисида малумот	20	Экспертная		
<b>REYAL-M 777 MCHJ</b>	20	Буюртмачининг барча талаблари ва санитар гигиена коидаларига мос шартнома шартлари озик овкат махсулотлари сифатига тулик жавоб берамиз исссик овкат ва аутсорсинг хизмати	18	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг банк кучирмаси ,баланс ва солик ва бошка карздорлиги тугрисида малумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг банк кучирмаси ,баланс ва солик ва бошка карздорлиги тугрисида малумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>DE-FAKTO MCHJ</b>	20	Танлов иштирокчисининг банк кучирмаси ,баланс ва солик ва бошка карздорлиги тугрисида малумот	19	Экспертная		
<b>REYAL-M 777 MCHJ</b>	20	Буюртмачининг барча талаблари ва санитар гигиена коидаларига мос шартнома шартлари озик овкат махсулотлари сифатига тулик жавоб берамиз исссик овкат ва аутсорсинг хизмати	18	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг доимий ишчилари тугрисида малумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг доимий ишчилари тугрисида малумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>DE-FAKTO MCHJ</b>	20	Танлов иштирокчисининг доимий ишчилари тугрисида малумот	19	Экспертная		
<b>REYAL-M 777 MCHJ</b>	20	Буюртмачининг барча талаблари ва санитар	17	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		гигена коидаларига мос шартнома шартлари озик овкат махсулотлари сифатига тулик жавоб берамиз исссик овкат ва аутсорсинг хизмати				

Критерий №4 Танлов иштироксининг тажрибаси тугрисида малумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштироксининг тажрибаси тугрисида малумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>DE-ФАКТО МСНЈ</b>	20	Танлов иштироксининг тажрибаси тугрисида малумот	19	Экспертная		
<b>REYAL-M 777 МСНЈ</b>	20	Буюртмачининг барча талаблари ва санитар гигиена коидаларига мос шартнома шартлари озик овкат махсулотлари сифатига тулик жавоб берамиз исссик овкат ва аутсорсинг хизмати	17	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>DE-ФАКТО МСНЈ</b>	146 000 000.00	145 500 000.00	28.06.2022 20:02:01	10.00
<b>REYAL-M 777 МСНЈ</b>	146 000 000.00	145 700 000.00	29.06.2022 10:51:34	9.99

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>DE-ФАКТО МСНЈ</b>	86.625	10	96.625
<b>REYAL-M 777 МСНЈ</b>	78.75	9.98627	88.73627

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 109706 от 29.06.2022 года на приобретение аутсорсинг хизмати определила победителем:

DE-ФАКТО МСНЈ  
305805734

и резервный исполнитель: REYAL-M 777 МСНЈ (308420610)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	RAVSHANOV BEKMURAT XOLBEKOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ERNAZAROV HOJIAKBAR RAYIMBERDIYEVICH	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	UMURZAKOV ABDURAZOQ ABDUG'ANIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SAFAROVA FERUZA NORQULOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	QILICHBEKOV UTKIR LATIFOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП